

Абу Зуръанинг сўнги сўзи



08:00 / 25.07.2020 2040

Абу Жаъфар Тустарий айтади: «Муҳаддис Абу Зуръа раҳматуллоҳи алайҳ ўлим тўшагида ётган эди. Унинг ҳузурига кирсак, олдида Абу Ҳотим, Муҳаммад ибн Муслим, Мунзир ибн Шозон ва яна бир неча уламолар бор экан. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Вафот этаётганларга «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни талқин қилинглари» деган ҳадисларини эслашди. «Абу Зуръадан уялинглари», деди улардан бири. Улар унга «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни талқин қилишдан хижолат бўлишди. Уламолар: «Келинглари, ҳадис айтамиз», дейишди. Муҳаммад ибн Муслим айтди: «Заҳҳок ибн Махлад бизга Абдулҳамид ибн Жаъфардан ҳадис айтди, у Солиҳдан». У шу жойда тўхтаб, бошқа ровийларни келтирмади. Қолганлар ҳам сукут сақлашди. Шунда Абу Зуръа жон топшираётган ҳолида: «Бизга Бундор ҳадис айтди, бизга Абу Осим ҳадис айтди, у Муоз ибн Жабалдан ривоят қилган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг охирги каломи «Лаа илааҳа иллаллоҳ» бўлса, жаннатга киради», дедилар», деди-ю, жони узилди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан